МИНИАТЮРА, БАЛБАЛ ВА ҚОЯ: СИНД ЖАНГИНИНГ ВЕРБАЛ ВА ВИЗУАЛ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯСИ

Тошов Нурёғди Искандарович
т.ф.н., доцент в.б.,
Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институти

https://doi.org/10.5281/zenodo.15287546

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада 1221 йили хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди ва Чингизхон қўшинлари ўртасида кечган Синд жангининг ўрта асрлардаги ёзма, тасвирий ва оғзаки тавсифи, бу жангга нисбатан ўтмишдаги ва ҳозирда замондаги алоҳида эътиборнинг сабаблари кўриб чиқилган. Жангнинг улкан тарихий аҳамияти, у билан боғлиқ драматизм, бир ўрта аср тарихнависининг мафкуравий йўналтирилган ҳикоясининг ғоят таъсирчанлиги, ўтмишни қўмсаш кабилар мазкур жангнинг довруғини янада оширган омиллар ўлароқ кўрсатилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР

Султон Жалолиддин Мангуберди хоразмшоҳ, Чингизхон, Синд жанги, Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар давлати, мўғуллар, балбал, миниатюра, қўлёзма, тарихий хотира, репрезентация, Темурийлар даври манбалари, тарихий Ҳиндистон.

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены вопросы письменного, изобразительного и устного описания в средние века битвы при реке Инд, произошедшей в 1221 г. между войсками Джалал ад-Дина Мангуберди и Чингиз-хана, причины особого интереса к этому сражению в прошлом и настоящем. В качестве факторов, способствовавших апофеозу данной битвы, указаны такие обстоятельства, как её громадное исторические значение и связанный с ней драматизм, действенность идеологически направленного рассказа одного средневекового летописца, тоска по прошлому.
взаимодействие и языковая культура.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Султан Джалал ад-Дина Мангуберди хорезмшах, Чингиз-хан, битва при реке Инд, государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, монголы, балбал, миниатюра, рукопись, историческая память, репрезентация, источники эпохи Тимуридов, историческая Индия.

ABSTRACT

The article examines written, visual, and oral descriptions of the Battle of the Indus, which took place in 1221 between the forces of Jalal al-Din Manguberdi and Genghis Khan, as well as the reasons for the special interest in this battle both in the past and present. Factors contributing to the glorification of this battle include its immense historical significance, the associated drama, the effectiveness of an ideologically driven account by a medieval chronicler, and nostalgia for the past.

KEY WORDS

Sultan Jalal al-Din Manguberdi, Khwarazmshah, Genghis Khan, Battle of the Indus, Khwarazmian-Anushteginid state, Mongols, balbal, miniature paintings, manuscript, historical memory, representation, Timurid-era sources, historical India.

КИРИШ.

1221 йил кузида Синд (ёки Ҳинд) дарёси бўйида, ҳозирги Покистон ҳудудида сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди (аслида Мангбурни) лашкари билан Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар қўшини ўртасида ўтган саваш энг машҳур тарихий жанглар сирасига киради. Тарихга озми-кўпми қизиқувчилар ушбу жанг тўғрисида умумий тасаввурга эга, унинг контекстию оқибатларидан маълум даражада хабардор. Бу ҳол бизга мазкур жанг билан боғлиқ тафсилотларга тўхталиб ўтирмасдан, тўғридан-тўғри асосий масалага ўтиш имконини беради. Асосий масала эса ушбу воқеага бўлган ниҳоятда катта эътибор ва бунинг сабабларидир. Гап шундаки, диққат этиладиган бўлса, бир ажабланарли ҳолат кўзга ташланади. Бошқа тарихий жангларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, Синд дарёси бўйидаги муҳорабага Султон Жалолиддин мўғуллар устидан ғалаба қозонган савашлардан-да кўпроқ эътибор берилади. Бу нарса ўтмишга ҳам, бизнинг даврга ҳам деярли бирдек хос. Табиий савол туғилади: бунинг сабаб(лар)и нимада?

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Синд жангига бўлган ғайриоддий эътиборга оид мисолларни миниатюралардан бошласак. Элхонлар даври тарихчиси Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жоме ат-таворих”, XVI аср тарихчиси Масъуд б. Усмон Куҳистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний” асари ва яна айрим йилномаларнинг қўлёзма нусхаларида Жалолиддин Мангуберди

жанглари тасвирланган миниатюралар мавжуд. Уларнинг аксариятида Синд бўйидаги саваш, аниқроғи, мағлубиятга учраган Жалолиддин Мангубердининг қоядан сакраб, оти билан Синд дарёсидан кечиб ўтаётгани манзараси акс эттирилган [19; 24].

Мазкур жанг кўп асрлар давомида халқ хотирасида яшаб келгани ва ҳатто ҳозирга қадар сақланиб қолганидан дарак берувчи фактлар ҳам оз эмас. Мисол учун, Амир Темурнинг 1398–1399 йиллардаги Ҳиндистон юришига бағишланган ва Ғиёсиддин Али Яздий томонидан битилган *Рузномайи ғазавоти Ҳиндустон* номли асарда ёзилишича, ушбу юриш чоғида Амир Темур Чўли Хусрав (Хусрав чўли) номли саҳродан ўтган бўлиб, бу чўл "тарихий китобларда" Чўли Жалолий (Жалол чўли) деб ҳам аталар экан. Иккинчи номнинг пайдо бўлишини изоҳлар экан, асар муаллифи Султон Жалолиддин Синд дарёсидан кечиб ўтгандан сўнг шу чўлдан паноҳ топганини ва шу сабаб у Чўли Жалолий деб атала бошлаганини таъкидлайди [17: 78–79, 178]. Бу маълумот Амир Темур ҳукмронлиги даври тарихини қаламга олган икки таниқли тарихчи – Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг *Зафарнома* номли асарларида ҳам такрорланади, аммо ҳар икала муаллиф мазкур чўлнинг асл номини Жару шаклида беришади [15: 233, 271; 16: 305б, 343а][1]. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, *Рузномайи ғазавоти Ҳиндустон* асари қўлёзмасини кўчирган котиблар ёки бошқа бировнинг хатоси туфайли Жару топоними "Хусрав"га айланиб қолган. "Жару"нинг "хусрав"га айланиши қанчалик осонлигини араб ёзувидан хабардор кишилар дарров тушунишади. Афсуски, учала муаллиф ҳам Чўли Жалолий атамаси айнан қайси тарихий китобларда зикр этилгани тўғрисида ҳеч нарса дейишмаган. Шу ўринда Жару чўли – бу Синдҳ Согар Дуобнинг марказий қисмини ташкил этувчи Тал (ёзилиши Тҳал) чўлининг эски номи эканини қайд этиб ўтайлик.

Темурийлар даври тарихчиларининг бу маълумоти ўрганаётганимиз жангнинг бўлиб ўтган жойини аниқлашда ҳам асқотиши мумкин. Адашмаётган бўлсак, бу тўғрида биринчи бўлиб инглиз шарқшуноси Ҳ.Ж. Раверти тахмин билдирган. У *Табақоти Носирий* асарининг инглизча таржимасига ёзган бир изоҳида Синд дарёсининг ғарб қирғоғида "От сакрови" (Гора (Гҳора) Тарап) деган жой борлиги ҳақида хабар беради ва унинг мазкур жанг кечган жой билан алоқадорлигини эҳтимолдан холи

[1] Яздий *Зафаноманинг* Франсуа Пети де Ла Круа (1653–1713) амалга оширган французча таржимасидан фойдаланган рус тадқиқотчиси Г.Е. Грумм-Гржимайло матнни нотўғри тушуниб, мазкур номни "Жўли Жалолий" ("Жалол йўли") ўлароқ тақдим этади [21: 46–47; 4: 457].

тутмайди [23: 292]. Бизга замондош тарихчилар бу тахминни факт ўлароқ қабул қилишади ва гап Султон Жалолиддин отда дарёга сакраган қоя ҳақида кетаётганини таъкидлашади [1: 125–133]. Яна бир қарашга кўра, Синд жанги юз берган Нилоб майдони яқинидаги тоғ Жалала-Сар деб аталар ва бу ном Жалолиддин қўшинининг сўл қаноти маъносини билдирувчи Жалоли Ясар (ёки Жалоли Ясор) сўз бирикмаларининг ўзгарган шакли экан [1: 125]. Бу тахминлар ҳақиқатга мос келса, унда уларни Синд жанги халқ ёдида муҳрланиб қолганини кўрсатувчи навбатдаги мисоллар қаторига қўшиш мумкин бўлади.

Мазкур Шарафиддин Али Яздий яна бир ғоятда қизиқ маълумот келтирганки, тадқиқотчилар шу пайтга қадар унга эътибор бермай келаётирлар. Унинг ёзишича, Чингизхон жанг кечган ерда “суффа/суфа” ўрнаттирган/ясаган экан [16: 58а][2]. Яздий бу маълумотни оғзаки хабарлар асосида келтирганми ёки бирон ёзма манбадан олганми, буниси ҳозирча бизга қоронғу. Ҳар ҳолда, XIII юзйилликда яратилган машҳур асарларда бундай маълумот учрамайди. Бу маълумот қайси манбага тақалишидан қатъи назар, у реал фактни акс эттиришига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, зеро, биринчидан, уни тўқиб чиқариш учун тарихчида арзирли мотив йўқ, иккинчидан эса, бундай тўқимани ўйлаб топишнинг ўзи қийин, тахайюлотнинг кучи етмайдиган иш.

Аммо айнан нима тўғрисида сўз бормоқда ва қайд этилган амалдан қандай мақсад кўзланган бўлиши мумкин? Форс тилида “суффа” сўзининг “шоҳсупа”, “шийпон”, “айвон”, “тош устунча” каби маънолари бор. Бу эса беихтиёр XVII юзйиллик охирларидан бери Ички Осиёнинг турли минтақаларидан, айниқса, кўчманчи ҳаёт кечирган туркий халқларнинг қадимий юрти бўлган ерлардан (Мўғулистон, Олтой, Тува, Қозоғистон ва б.) топилаётган ва тадқиқотчилар ўртасида қизғин баҳсларга сабаб бўлиб келаётган тош устунчалар – “балбал”ларни эсга солиб юборади. Чингизхон ўзининг ғарб ўлкаларига юриши давомида тўқнаш келган энг кучли рақиби устидан қозонган ғалабаси шарафига балбал ўрнатгани қай даражада ҳақиқатга яқин? Балбал ўзи нима?

Ўрхун-Энасой битикларида ҳам зикр этилувчи балбаллар билан боғлиқ қарашлар ва талқинлар турлича бўлиб, қатор масалалар борасида мутахассислар ҳали-ҳануз бир тўхтамга келишганича йўқ [8; 14; 20]. Аввало шу нарсага аниқлик киритиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда

[2] Жузжонийнинг *Табақоти Носирий* асари таржимасига ёзган изоҳларидан бирида Ҳенри Раверти бу маълумотни манбасини кўрсатмаган ҳолда келтирган, бунда у “суффа” сўзини “monument” деб ўгирган [23: 292].

“балбал” атамаси одам шаклида ясалган тош ҳайкалчаларга эмас, балки антропоморфик белгиларга эга бўлмаган ва одатда умуман қайта ишланмаган тош устунчаларга нисбатан қўлланади [7: 238–255; 9: 206]. Бундай устунчалар кўпинча марҳумларни хотирлаш мақсадида бунёд этилган мажмуаларнинг таркибига киради (тошлар уюмидан ясалган иҳота, тош ҳайкалчалар ва ҳоказолар билан бирга) ва уларнинг сони бир неча юзтага етиши мумкин.

Бизни қизиқтирадиган ва энг қизғин илмий баҳсларга сабаб бўлаётган масала бу балбалларнинг семантикасидир. Балбаллар ҳеч қандай рамзий маънога эга эмас, улар отларни боғлаш учун қозиқ вазифасини ўтаган, деган хулосага келганлар ҳам бор [8: 38–39]. Бундай қараш асосли танқидга учрамоқда. Яна бир тадқиқотчиларнинг фикрича, балбаллар мағлуб этилган қудратли ғаним саркардаларининг тимсолидир [3: 73–76, 91–92; 22: 63]. Бошқа гуруҳ тадқиқотчилар балбаллар дафн этилган хоқоннинг ёки лашкарбошининг тимсолидир. Турк олими А. Йилмазнинг фикрига кўра эса, балбаллар ёт эллардан дафн маросимига келган обрўли кишилар марҳум учун келтирган қимматбаҳо совға бўлиб, кучли ва машҳур жангчиларнинг тимсоли бўлмиш бу тош аскарлар марҳумнинг нариги дунёга саёҳати асносида унга хизмат қилмоғи керак эди [26]. Бироқ бугунги кунга келиб кўпчилик олимлар балбалларни жангда ўлдирилган ғанимнинг рамзи сифатида талқин этишади [2: 83; 7: 252; 9: 207–208; 18: 32; 20: 224][3].

Биз сўз юритаётган “суффа” ҳам Жалолиддин Мангуберди тимсоли ўлароқ ўрнатилган бўлса-чи? Масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда шуни урғулашга ўзимизни бурчли санаймизки, бу ўта жиддий ва ҳозирча етарли асосларга эга бўлмаган тахмин. Аслида гап бошқа нарса, айтайлик, биз билган одатдаги супа устида кетаётган бўлишининг эҳтимоли оз эмас. Аммо башарти тахминимиз тўғри бўлса ва гап ростдан ҳам балбал устида бораётган бўлса, у ҳолда бу маълумот бир неча жиҳатдан муҳим бўлиб чиқади. Биринчидан, балбал ўрнатиш амалиёти фақат Турк хоқонлиги таркибига кирган турк қабилалари орасида ва улар яшаган ҳудудлардагина мавжуд бўлган, деган қараш бор. Балбал ўрнатишнинг юқори хронологик чегараси ҳам шунга мос: уларнинг аксар қисми VI–VIII асрларга тўғри келади. У ёки бу кўринишда балбал ўрнатиш X асргача давом этган, Дашти Қипчоқда қипчоқлар орасида эса ҳатто XIII асрда ҳам учрайди, аммо, юқорида айтилганидек, фақат туркий қабилалар орасида [3: 68–70, 91, 93; 10: 202–203; 20: 227–228]. Адашмасак,

[3] Иқтибос келтирилган ишларда бошқа адабиётларга ҳам ҳаволалар мавжуд.

Чингизхон империяси даврида мўғуллар орасида ғалаба шарафига ёдгорлик ўрнатилгани тўғрисида маълумот умуман учрамайди.

Иккинчидан, Чингизхон Синд бўйидаги жангдаги ғалабаси шарафига балбал ўрнатгани факт сифатида қабул қилинган тақдирда, у қуйидаги жиддий мулоҳаза ва хулосаларга озиқ бера олади. 1) Ички Осиё кўчманчилари орасида мафкура, давлат тузуми, ҳарбий ва бошқа соҳаларда яққол кўзга ташланувчи меросийлик мавжудлиги, хусусан, мўғуллар империясидаги бошқарув усуллари, ҳокимият концепцияси, ҳарбий ташкилот ва шу каби давлатчилик анъаналари бурунги туркий кўчманчи давлатлардан ўзлашганини [13] ҳисобга олсак, балбал ўрнатиш Чингизхон даврида ҳам амал қилгани у қадар ғайриоддий нарса эмас. 2) Қудратли рақиб устидан эришилган ғалабага бағишлаб шу жанг бўлиб ўтган ернинг ўзида балбал ўрнатиш мўғулларгача бўлган даврларда, жумладан, Турк хоқонлигида ҳам қўлланганини истисно этиб бўлмайди. Фақат улар, хотирлов мажмуаларидаги кўп сонли балбаллардан фарқли равишда, артефакт сифатида мутахассис эътиборини тортмайди, қолаверса, вақт ўтиши билан йўқолиб кетган бўлиши мумкин. 3) Балбаллар жангда ўлдирилган ёвнинггина эмас, балки шунчаки мағлуб этилган (кучли) рақибнинг тимсоли эканлиги маълум бўлади.

Ўрганилаётган жангнинг асрлар оша сўнмаётган довруғидан дарак берувчи маълумотлар юқоридагилар билан чекланмайди. Мисол учун, мазкур Нилоб ҳудудида яшовчи маҳаллий халқ орасида Жалолиддин Мангуберди ва унинг ҳараминнинг жангдан кейинги тақдирига бағишланган турли ҳикоялар оғиздан-оғизга ўтиб юрар экан [1: 152–156]. XX аср бошларида Мўғулистонда бўлган бир саёҳатчининг гувоҳлик беришича, Ички Мўғулистоннинг[4] Эжен Хўрў деган жойида, Чингизхоннинг рамзий мавзолейида унинг руҳига атаб турли маросим ва амаллар ўтказилиб турар экан. Жумладан, руҳонийлар ҳар куни эрталаб Чингизхонга ҳаёти мобайнида насиб этган 150 та катта-кичик ғалабаларни санаб ўтишар, биринчи навбатда унинг Жалолиддин устидан эришган ғалабасини зикр қилиб, ушбу зафарни ато этгани учун уруш худоси Сулдэ ва бошқа илоҳий кучларга миннатдорчилик билдиришар экан[5]. Ўз-ўзидан аёнки, айнан Синд жангида эришилган ғалаба назарда тутилаётган бўлишининг эҳтимоли жуда катта. Келтирилган факт, ўз навбатида, балбаллар билан боғлиқ яна бир тахминни илгари суришга асос беради.

[4] Ички Мўғулистон – ҳозирги Хитой Халқ Республикаси ҳудудида.

[5] Минг афсуски, кўп йиллар бурун мутолаа этилган бу китоб номи ва муаллифини эслашга муваффақ бўлолмадик.

Ички Осиё кўчманчилари орасида ҳарбий ғалабалар иерархияси мавжуд бўлганининг эҳтимоли юқори. Балбалларнинг ўлчами ва ишлов берилганлик даражаси турличалиги, Ўрхун-Энасой битикларида балбаллар қаторини бошлаб берувчи балбалнинг кучли ғанимга тегишли экани алоҳида таъкидланиши ҳам шундан далолат беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Энди юқорида илмий муаммо ўлароқ қўйилган саволга жавоб топишга уриниб кўрсак: Синд бўйидаги жангга ўтмишдаги ва ҳозирдаги бундай катта диққат-эътиборнинг сабаблари нимада?

Синд бўйидаги жанг бирламчи манбалардан Ибн ал-Асир, Шиҳобиддин Насавий ва Алоуддин Жувайний асарларида тавсифланган [5, II: 139–143; 6: 366–367; 11: 122–123]. Кейинги даврлар тарихнавислари асосан уларнинг маълумотларини у ёки бу батафсилликда такрорлашган, холос. Мисол учун, Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар давлатининг мўғуллар томонидан босиб олиниши воқеаларини деярли тамоман “Тарихи жаҳонгушой” асосида ёритган Рашидиддин Фазлуллоҳ бу жанг ҳақидаги бобни анча қисқартириб берган [12, I: 526–527].

Мазкур бирламчи манбалар орасида Алоуддин Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушой” асари алоҳида ўрин тутади. Жувайний Синд жангини тафсилли, серҳиссиёт, жимжимадор ва таъсирчан бир тарзда нақл қилган. Чингизхоннинг Жалолиддин жасоратидан завқланиб, “Отанинг ўғли шундай бўлмоғи лозим” деган машҳур гапи ҳам шу манбага тақалади. Жувайний томонидан Синд жангининг ва умуман Жалолиддин Мангуберди фаолиятининг бундай жонли ва алқовли тасвирланиши маълум мафкуравий сабаб билан боғлиқ эди [25: 150–158]. Бу ерда ўша сабабга тўхталиб ўтирмаган ҳолда шуни таъкидлаш ўринлики, айнан Жувайний ҳикояси ўқувчиларга кучли руҳий таъсир кўрсатиб келган. Юқорида айтганимиз миниатюралар ҳам айнан унинг ҳикояси таъсирида чизилганининг эҳтимоли анча юқори.

Иккинчи асосий сабаб сифатида умуман мўғуллар босқини ва хусусан мазкур Синд жанги билан боғлиқ драматизмни кўрсатиш мумкин. Кўп қон тўкишлар, вайронагарчиликлар билан кечган мўғуллар босқини, қудратли Хоразмшоҳлар салтанатининг қулаши, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган Синд жангида мусулмонларнинг мағлубиятга учраши, Султон Жалолиддин оила аъзоларининг ҳалок бўлиши ва бошқа омиллар одамларга чуқур руҳий таъсир кўрсатган, оғиздан-оғизга ўтувчи ҳаяжонли ва қўрқинчли ҳикоялар таассуротни янада кучайтирган. Бу

драматизм ўрта асрлар тарихчилари, жумладан, Жувайний томонидан ҳам бўрттирилган.

Ўтмишни қўмсашдек умумий ва барча даврларга хос инсоний туйғуни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Айниқса, “ғайридинлар” ҳокимият тепасига келган, ижтимоий ва кундалик ҳаётда сезиларли ўзгаришлар юз берган бир шароитда ностальгияга берилиш, ўтмишдан таскин излаш муқаррар бир ҳол эди. Мўғуллар ҳужумидан кўп азият чеккан ерлик аҳоли улар ҳужумини даф этишда Жалолиддин Мангубердидан нажот кутгани, унга бўлган умиднинг катталиги боис одамлар ҳатто унинг вафот этганига ишонмагани манбалардан маълум бизга [5, II: 192–192].

Булардан ташқари, мўғуллар ҳам, Жалолиддин Мангуберди ҳам тарихий Ҳиндистон аҳолиси учун бегона бўлиб, уларнинг қўлда қилич билан у ерларга бориши аҳоли эътиборини қуюқ жалб этмай қолмас эди. Жалолиддин Мангубердининг бир муддат Ҳиндистоннинг муайян қисмида ҳукмронлик қилгани ҳам из қолдирмай кетмайдиган ҳол. Иккинчи томондан, мўғулларнинг Ҳиндистонга бостириб кириш ва уни забт этиш эҳтимоли кечаётган воқеаларнинг доимо диққат марказида бўлишини таъминлаган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдиримов Б., Сажжад В., Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Покистонда. Тошкент: O‘zbekiston, 2021.

2. Войтов В.Е. Древнетюркский пантеон и модель мироздания в культово-поминальных памятниках Монголии VI–VIII вв., Москва: Издательство ГМВ, 1996.

3. Грач А.Д. Древнетюркские изваяния Тувы. По материалам исследований 1953–1960 гг., Москва: Издательство восточной литературы, 1961.

4. Грумм-Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край II: Исторический очерк этих стран в связи с историей Средней Азии, Ленинград: Ученый комитет МНР, 1926.

5. Жувайний Алоуддин. Тарихи жаҳонгушой. I–III жилдлар / Мирза Муҳаммад Қазвиний нашри, Лейден–Лондон: Брилл, 1912–1937.

6. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих: Полный свод истории. Избранные отрывки / Перевод с арабского П.Г. Булгакова и Ш.С. Камолиддина, Ташкент: O‘zbekiston, 2006.

7. Кляшторный С.Г. Храм, изваяние и стела в древнетюркских текстах (К интерпретации Ихе-Ханын-норской надписи) // Тюркологический сборник, 1974, Москва, 1978, сс. 238–255.

8. Кубарев В.Д. Изваяние, оградки, балбалы (о проблемах типологии, хронологии и семантики древнетюркских поминальных сооружений Алтая и сопредельных территорий) // Алтай и сопредельные территории в эпоху средневековья / Отв. ред. А.А. Тишкин, Барнаул: Издательство Алтайского университета, 2001, сс. 24–54.

9. Кызласов Л.Р. О значении термина балбал древнетюркских надписей // Тюркологический сборник: К шестидесятилетию Андрея Николаевича Кононова, Москва: Наука, 1966, сс. 206–208.

10. Летопись тюркской цивилизации, т. 1: тюркский мир в VI–XII вв. / Отв. ред. В.И. Молодин, С.В. Земляков, Барнаул: Издательство Алтайского университета, 2023.

11. Ан-Насави Шихаб ад-Дин Мухаммад. Сират ас-султан Джалал ад-Дин Манкбурны (Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны) / Изд. критического текста, перевод с арабского З.М. Буниятова, Москва: Восточная литература, 1996.

12. Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний. Жоме ат-таварих. I–IV жилдлар / Муҳаммад Равшан ва Мустафо Мусавий нашри, Теҳрон: Албурз, 1373/1994.

13. Трепавлов В.В. Государственный строй Монгольской империи XIII в.: Проблема исторической преемственности, Москва: Наука, 1993.

14. Худяков Ю.С. Дискуссионные вопросы изучения поминальных памятников древних тюрок в Горном Алтае // Древности Алтая, 9, Горно-Алтайск: Издательство ГАГУ, 2002, сс. 137–153.

15. Шомий Низомиддин. Зафарнома / Форсчадан Ю. Ҳакимжонов таржимаси, А. Ўринбоев нашри, Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

16. Яздий Шарафуддин Али. Зафарнома / А. Ўринбоев нашри, Тошкент: Фан, 1972.

17. Яздий Ғиёсиддин Али. Саодатнома, ё Рузномайи ғазавоти Ҳиндустон / Ираж Афшор нашри, Теҳрон: Мероси мактуб, 1379/2000.

18. Chen Hao. A History of the Second Türk Empire (ca. 682–745 AD), Leiden–Boston: Brill, 2021.

19. Fitzherbert Teresa. Portrait of a Lost Leader: Jalal al-Din Khwarazmshah and Juvaini // Julian Raby and Teresa Fitzherbert (eds.), The Court of the Il-khans, 1290–1340, Oxford: Oxford University Press, 1996, pp. 63–77.

20. Hayashi Toshio. Several Problems about the Turkic Stone Statues // Türk dili araştirmalari yilliġi (Yearbook of Turkic studies): Bulleten 2000, Ankara: Turkish language institution, 2001, pp. 221–240.

21. Histoire de Timur-Bec, connu sous le nom du grand Tamerlan, empereur des Mogols & Tartares I–IV, ecrite en persan par Cherefeddin Ali natif d'Yezd / Tr. en François par feu Monsieur Pétis de la Croix, Paris: A. Des Hayes, 1722.

22. Jisl Lumír. The Orkhon Türks and Problems of the Archaeology of the Second Eastern Türk Kaghanate, Praha: National Museum, 1997.

23. Juzjani Minhaj-ud-din. Tabakat-i-Nasiri: A General History of the Muhammadan Dynasties of Asia, vols. I–II / Transl. by H. G. Raverty, London: Gilbert & Rivington, 1881.

24. Melville Charles. Juvainī's Account of Jalāl al-Dīn Khwārazmshāh and the Crossing of the Indus: Historiographical and Pictorial Aspects // Iran Namag, 6(3–4), 2021, pp. 180–198.

25. Toshov N. Jaloliddin Manguberdi. Toshkent: Yangi asr avlodi, 2025 (nashriyotda).

26. Yilmaz Anil. Some Remarks on the Term Balbal of Ancient Turks // Cihannüma: Tarih ve Coğrafya Araştirmalari Dergisi, IV/1, 2018, pp. 1–18.